

## Кумуш идишдан фойдаланиш мумкинми?



17:40 / 20.12.2018 7428

*Ойим кумуш идишда дори ичадилар. Бундан ҳар куни икки ёки уч маҳал фойдаланадилар. Кумуш идишдан фойдаланса бўладими? Шариатимиз бунга қандай қарайди?*

**Жавоб: Бисмиллаҳир роҳманир роҳим.**

Тилла ва кумуш идишлардан фойдаланиб овқатланиш аёл ва эркакларга баробар ман қилинган.

*Ҳузайфа розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

**«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:**

**«Тилла ва кумуш идишларда ичманглар. Ипак ва дебожни кийманглар. Чунки ўшалар бу дунёда улар учун, охиратда сизлар**

**учун», дедилар».**

*Бешовлари ривоят қилганлар.*

*Бошқа бир ривоятда:*

**«Ким тилла ва кумуш идишда ичимлик ичса, қорнига жаҳаннамдан олов киритур», дейилган.**

Ушбу ҳадиси шарифда Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам сиз билан биз умматларини тўрт нарсадан қайтармоқдалар:

1. Тилла идишда ичимлик ичишдан.
2. Кумуш идишда ичимлик ичишдан.
3. Ипак кийим кийишдан.
4. Дебож кийим кийишдан.

Тилла ва кумуш идишларда ичимлик ичиш ҳаром бўлганидек, уларда таом ейиш ҳам ҳаромдир. Айниқса,

«Ким тилла ва кумуш идишда ичимлик ичса, қорнига жаҳаннамдан олов киритур», дейилган ривоятдан бу маъно яққол англанилади.

Шариатимизда тилла ва кумушни идиш сифатида, шунингдек, бошқа турмуш асбоблари сифатида ишлатишнинг ҳаром қилингани бир неча ҳикматларга биноан бўлганини уламоларимиз алоҳида таъкидлайдилар:

1. Тилла ва кумуш қадимда ҳам, ҳозирда ҳам пул бирлиги, гоҳида муомаладаги, гоҳида эҳтиётдаги давлат мулки сифатида ишлатиб келингани ҳаммага маълум. Агар тилла ва кумушни идиш ёки шунга ўхшаш нарсаларга ишлатиш йўлга қўйиладиган бўлса, мазкур соҳага, яъни хазина бойлиги соҳасига зарар етиши мумкин.
2. Тилла ва кумушдан идиш-товоқ, тароқ, қошиқ ва шунга ўхшаш нарсалар тутишга изн берилса, бойлар орасида манмансираш, мутакаббирлик, ҳамма нарсасини тилладан қилишга уриниш кучайиб кетиб, жамиятда ноқулай ҳолат вужудга келади. Кўпгина дунёни ларзага солиб турган империяларнинг таназзулга юз тутишларига айна шунга ўхшаш ҳолатлар сабаб бўлгани ҳаммага маълум.

3. Тилла ва кумушдан турли асбоб-анжомлар тутишга рухсат бўлса, бойлар бу борада ўзаро кимўзарга мусобақа қилган бир пайтда камбағалларнинг кўнгли синиб, паришонҳол бўлишлари юзага келади. Ислом эса бу ҳолатга мутлақо йўл қўймайди. **Валлоҳу аълам.**

***“Зикр аҳлидан сўранг” китобидан***